ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ҚАШҚАДАРЁ ВИЛОЯТ КЕНГАШИ
ҚАРОРИ

2015 йил «16» март **12/4-5-сон**

Қашқадарё вилоятидаги шаҳарчалар, қишлоқлар ва аҳоли пунктлари номларини тасдиқлаш тўғрисида

Ўзбекистон Республикасининг "География объектларнинг номлари тўғрисида"ги Қонуни (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2011 й; 41-сон, 448-модда) ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 16 октябрдаги "География объектларнинг номлари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонуиига мувофиқ географик объектларнинг номлари соҳасидаги ишларни тартибга солиш чора-тадбирлари ҳақида"ги 295-сон карори (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2012 й., 41-42-сон, 483-модда) ва Қарши шаҳар ва туманлар ҳокимларининг таклифлари бўйича географик объектларни номлаш ва қайта номлаш масалалари бўйича вилоят комиссиясининг 2015 йил 30 январдаги ВК-1-сонли хулосаси ҳамда Ўзбекистон Республикаси "Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида"ги Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1993 й., 9-сон, 320-модда) нинг 24-моддасига асосан халқ депутатлари вилоят Кенгаши

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Географик объектларни номлаш ва қайта номлаш масалалари бўйича Қарши шаҳар ва туманлар ҳокимларининг таклифларига асосан вилоят ҳудудидаги номлари ўзгарадиган шаҳарчалар, қишлоқлар ва аҳоли пунктлари номларининг рўйхати 1-иловага, ўз номида қоладиган шаҳарчалар, қишлоқлар ва аҳоли пунктлари номларининг рўйхати 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Вилоят Ер ресурслари ва давлат кадастри бошқармаси (Ж.Усманов) вилоятдаги географик объектлар номлари кадастр ҳужжатларини ушбу қарорга мувофиқлаштирсин ҳамда белгиланган тартибда реестрга ўзгартириш киритсин.

3. Вилоят Ички ишлар бошкармаси (Н.Қурбонов) номлари ўзгарган ва янгидан номланган географик объектларда яшовчи фуқароларнинг паспортларига манзиллар бўйича тегишли ўзгартиришлар киритиб бориш чораларини кўрсин.

4. Вилоят архитектура ва қурилиш бош бошқармаси (Ш.Қурбонов)га бир ой муддатда барча объектларга, жумладан, номлари ўзгармаган, янги номланган ва номлари ўзгариб қайта номланган шаҳарчалар, қишлоқлар ва аҳоли пунктлари номлари ёзилган ягона замонавий миллий дизайн асосида пешлавҳалар ўрнатилишини таъминлаш вазифаси юклатилсин.

5. Вилоят молия бошқармаси (Қ.Қулматов) 2015-2016 йилларда ҳудудларда географик объектларни номлаш ва қайта номлаш бўйича амалга ошириладиган ишларни конунда белгиланган тартибда молиялаштириш бўйича тегишли чораларни кўрсин.

6. Вилоят матбуот ва ахборот ҳудудий бошкармаси (С.Саламов), вилоят телерадиокомпанияси (У.Нусуров) барча маҳаллий оммавий ахборот воситалари раҳбарларига:

Ўзбекистон Республикасининг "Географик объектларнинг номлари тўғрисида"ги ҳамда "Давлат тили ҳақида"ги конунлари талабларига зид бўлган номларнинг тарғибот қилинишини ёки телевидение, радио, газета ва журналлар саҳифаларида қайд этилишининг олдини олиш ҳамда ўзгармайдиган ва ўзгарадиган географик объектлар номларини ёритиш тавсия этилсин.

7. Мазкур карор туман (шаҳар) ҳокимликларига ижро ва Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси Геодезия ва картография Миллий марказига маълумот учун юборилсин.

8. Қарорнинг ижросини назорат қилиш халк депутатлари вилоят Кенгашининг "Ижтимоий-маданий ривожлантириш масалалари бўйича доимий комиссия" (У.Караев)си ва географик объектларни номлаш ва қайта номлаш масалалари бўйича вилоят, туман ва шаҳар комиссиялари зиммаларига юклатилсин.

9. Мазкур қарор "Qashqadaryo" ва "Новости Кашкадарё" газеталарида эълон килинсин ҳамда ҳокимлнкнинг www.qashqadaryo.uz расмий веб-сайтига жойлаштирилсин.

10. Ушбу карор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Халқ депутатлари вилоят Кенгашининг раиси **З.Рузиев**